

ЁШЛАРНИ ОТА-ОНАЛИККА ТАЙЁРЛАШ МУАММОСИНИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ ЗАРУРАТИ

Билолова Замира Бахтияровна
Психология фанлари PhD, доцент в.б.
Alfraganus university nodavlat oliy ta'lim tashkiloti

zamira.bilolova@gmail.com

Аннотация: ушбу мақолада оила мустаҳкамлиги ва фаровонлигига эришишнинг асосий омиллари ўтказилган илмий-амалий тадқиқот натижаларига кўра асосланган бўлиб, бу ўз навбатида оилада вояга етаётган фарзанд камолотининг кафолати ҳамда энг асосий вазифалардан эканлиги исботланган.

Калит сўзлар: оила фаровонлиги, бола тарбияси, оила маънавий муҳити, оила кадриятлари, ота ибрати, она фазилятлари, ота-оналик масъулияти, ота-оналарнинг бола тарбиясида психологик саводхонлиги.

Ўзбекистонда оилани муҳим ижтимоий институт сифатида мустаҳкамлаш, оилавий муносабатларни яхшилаш учун «Соғлом оила – соғлом жамият» ғоясини ҳаётга татбиқ этишнинг зарурий ҳуқуқий-меъёрий асослари яратилиб, давлат дастурининг ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган масалаларга эътибор бериш, оила муҳитини соғломлаштириш ишларини амалга ошириш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Республика Оила ва хотин-қизлар давлат кўмитасининг «Оилавий, маънавий-ахлоқий кадриятларни мустаҳкамлаш» бошқармаси маълумотларига кўра, 2022 йилнинг январь-сентябрь ойларида 36456 та оилавий ажрим қайд этилган. Бу кўрсаткич 2021 йилнинг шу даврида 29098 тани ташкил этган бўлиб, 7358 та, яъни 20 % га ошган. Республика бўйича қайд этилган умумий 36456 та ажримнинг 9967 таси ёки 18 %и ўттиз ёшга тўлмаган оилалар хиссасига тўғри келади. Никоҳдан ажралиш сабаблари ўрганилганда: характери тўғри келмаганлиги – 14127 та ёки 39 %, хиёнат – 1072 та ёки 3 %ни ташкил этган.

Шунингдек, ажрашишдан сўнг 86 % бола ўз онаси қарамоғида қолади. Буни биргина 2019 йилнинг 3 ойида 615 фуқародан суднинг ҳал қилув қарори асосида, 10758 фуқародан суд буйруғи орқали фарзандлари таъминоти учун алимент ундириш белгиланганлигида, 1191 нафар ота фарзандини таъминлашдан бош тортганлиги учун маъмурий, 3 нафар ота эса жиноий жавобгарликка тортилганида кўриш мумкин.

Шунингдек, бугунги кунда Ўзбекистонда юридик кучга эга бўлмаган, шаръий никоҳга таянган оилалар ва эр-хотинлар орасидаги муносабатлар кўпаймоқда. Қонунчиликда ўрнатилган тартибда расмийлаштирилмаган, яъни ФХДЁ органларида рўйхатдан ўтмаган ёки ўтказилмаган никоҳлар, хаттоки умумий уй хўжалигини бошқаришда ва оддийгина фарзанд кўришда ҳам қонуний деб эътироф этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг «Ўзаро никоҳда бўлмаган шахслардан туғилган болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари» деб номланган 64-моддасига кўра, норасмий никоҳдан туғилган болалар, расмий никоҳдан туғилганлар билан тенг ҳуқуқга эга бўлсалар-да, ота-оналари ўртасидаги никоҳ норасмий бўлганлиги сабаб, ота-она бурч ва мажбуриятларни юкламайди, норасмий бўлганлиги сабаб уларнинг қариндошларига нисбатан ўзаро никоҳда бўлган шахслардан туғилган болалар билан тенг, уларнинг ота-онаси ўртасида ўзаро оилавий ҳуқуқ ва мажбуриятларни келтириб чиқармайди.

1-жадвал.

Ўзбекистонда расмий никоҳда бўлмаган аёллардан туғилган болалар сони, (нафар ва % да)

Йиллар	Расмий никоҳсиз туғилганлар (нафар)	Барча туғилганларга нисбатан (%)	Россияда (маълумот учун), %
2016	61267	8,5	23,0
2017	61145	8,3	22,6
2018	60209	8,3	21,1
2019	60913	8,5	-

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, рўйхатга олинмаган никоҳлар бўйича расмий статистиканинг мавжуд эмаслиги сабабли бутун дунё бўйлаб бу борада турмушга чиқмаган аёллардан туғилган болалар сони индикатор сифатида қўлланилади. Европа давлатларида бу кўрсаткич 30-60 %ни, Россияда 20 %, Ўзбекистонда эса 8 % дан ортиқроқни ташкил этади.

Ижтимоий-психологик жиҳатдан таҳлил қилинса, ажрашишлар ёки никоҳсиз туғилган болалар сонининг кўпайиши ва тарбияда ота-оналар маъсулиятсизлиги, бола тақдири ва тарбияси масаласида муаммоларни юзага келтиради. Ўсмирлар орасида жинойтчилик, ичкиликбозлик ва бошқа салбий ижтимоий ходисалар кўпайишига сабаб бўлади. Кейинчалик хунук одатларни ўзига сингдирган, оила қуришга тайёр бўлмаган ёшлар турмуш қуришади, ва табиийки, ота-оналарининг хатоларини такрорлашади.

Бугунги кунда жинойт содир этиб, жазо ўтаётган вояга етмаганларнинг 70 %дан юқориси ажрашган ёки ёлғиз она ёки ота ва ота-онасиз ўсаётган фарзандлар эканлиги фикримизнинг далили бўлиб, шу билан бирга, оиладаги ўзаро муносабатлар тўғри йўлга қўйилмаганлиги, ота-онанинг спиртли ичимлик ичишга ружу қўйганлиги, ўзаро ҳурмат йўқолганлиги, яъни бир сўз билан айтганда, оила бошлиқлари - ота-онанинг ўзи тарбияга муҳтожлиги (биргина 2019 йилнинг уч ойида 151 ота (она) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум

этилган) ҳам вояга етмаган ёшларнинг келажагига раҳна солаётган ҳолатлардандир.

Юқорида келтирилган маълумотлардан бугунги кунда ёшларнинг оила ва умуман, жамиятдаги ролига нисбатан муносабат ўзгараётганлигини, ёш оилалар ўртасида ажрашишлардаги мавжуд тенденциянинг ўсаётганлигини, оиланинг тарбиялаш вазифаси ва ота-оналик маъсулияти сусаётганлигини кўриш мумкин. Бундай ҳолатларни кескин олдини олиш ва аҳоли орасида тизимли тарғибот ишларини олиб бориш, ёшларни оилавий ҳаётга ва хусусан, ота-оналик маъсулиятига тайёрлаш масаласини махсус тадқиқ этиш заруратини юзага келтиради.

Адабиётлар рўйхати

1. Akramova F.A. Oilada ma'naviy muhitni shakllantirishda xotin-qizlarning roli. - T.: «Nixol Print», 2016. -42-b.
2. Akramova F.A. Oilada sog'lom psixologik muhitni tarkib toptirishning ijtimoiy-psixologik asoslari. - T.: «Shams ASA», 2014 - 185-b.
3. Akramova F.A. Oilada muomalani tashkil etish psixologiyasi. – T.: «Shams ASA», 2006. -90-b. 7. Yo'ldoshev M. Oiladagi ruhiy muhit va uning tarbiyaga ta'siri. – T., 2004 - 99-b.
4. Yo'ldoshev M. Oiladagi ruhiy muhit va uning tarbiyaga ta'siri. – T., 2004. -99-b.
5. Karshibaeva G. A., Ibaydullaeva U.R. Oila psixologiyasi. O'quv qo'llanma. “Baëz” nashriëti. Toshkent – 2022 y.